Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 28 (5019).
4 ФЕВРАЛЬ 1983 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

△ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Николае Чаушескуга, Руминия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Константин Дэскэлескуга телеграмма йўллаб, унда Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 35 йиллиги муносабати билан самимий қутловлар ва энг яхши истакларни изҳор этдилар.

△ 3 февралда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигида республика ички ишлар органлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов нутқларидаги қоидалар ва хулосалардан, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган маъмурий органлар ходимлари кенгашида белгиланган тадбирлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министри ички хизмат генерал-лейтенанти Қ. Э. Эргашев доклад қилди.

Кенгаш ишида СССР Ички ишлар министрлиги бошқармасининг бошлиғи милиция генерал-лейтенанти В. В. Лукьянов қатнашди.

«Госкомсельхозт е х н и к а»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба мотор ремонти заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини шараф билан бажармоқда.

СУРАТДА: (юқорида) ана шу корхонанинг илғор ишчиси социалистик мусобақа ғолиби Дмитрий Безручкин. Тажрибали токарь смена топшириқларини 110 процентга етказиб бажармоқда.

Чапдаги суратда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-цехининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Муқаддас Ҳамидова тасвирланган. Ойлик иш нормасини 125—130 процентдан бажараётган бу чевар пойтахтимиз юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга аҳд қилган.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАГИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ 1982 ЙИЛ МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети шаҳардаги районлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ўртасидаги 1982 йилдаги социалистик мусобақа якунини қараб чиқди.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлар Совети ва Тошкент шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан **Куйбишев районига** (район партия комитетининг секретари В. Алиев, район ижроия комитетининг раиси, Ш. Саидов, район комсомол комитетининг секретари У. Иноғомов) берилди. Бу район меҳнат коллективлари социалистик мажбуриятларни анча ортиғи билан бажарди, янги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича юқсак суръатларга эришди.

Октябрь, Собир Раҳимов, Ленин, Ҳамза ва Чилонзор районлари саноат корхоналари яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу районларда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича давлат плани 1982 йилда бажарилиши таъминланди ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективига** (директор К. Исмоилов, партия ташкилоти секретари Ж. Алдамжаров, касаба союз комитети раиси В. Дзюбенко, комсомол комитети секретари И. Райсерб) берилди. Бу завод коллективи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 1982 йил планини бажарди, ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстиришда юқсак суръатларга эришди.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Тошкент шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Марказий Телеграф** коллективига (бошлиғи С. Содиқов, партбюро секретари Л. Каменская, касаба союз комитети раиси И. Банина, комсомол комитети секретари Н. Магдиев) берилди. Бу коллектив маҳсулот ҳажми бўйича йиллик планни 101,1 процент, даромадлар бўйича 107,7 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 102,8 процент адо этди. Маҳсулот ҳажми тannархининг 98,8 процент камайишига эришди.

1982 йилдаги районлар ўртасидаги социалистик мусобақада қуйидагилар ғолиб деб топилди: Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги мусобақада — **Собир Раҳимов райони**, Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада — **Акмал Икромов райони**, Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада — **Октябрь райони**, Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада — **Ленин райони**, Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада — **Куйбишев райони**.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га 54 саноат корхонаси, транспорт ва алоқа, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари номи ёзилади.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Пойтахтимизда а г и 127-марказл а ш г а н усулда юк ташиш автомобиль корхонасида Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақа авж олдириб юборилган. Мусобақа асосида баракали ишлаётган автокорхона ҳайдовчилари ҳар куни 11-12 минг тонна юк ташиб бермоқдалар. Юкларнинг ўз манзилига вақтида етказиб берилаётганлиги бошқа хўжаликларга ҳам кўплаб фойда келтирмоқда. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган Ш. Шапақатов, Ю. Колабин, Р. Юсупов, В. Саломов, Р. Сулаймонов, С. Абдуҳалимов каби ҳайдовчилар ҳафталик планларини 140-150 процентдан ошириб адо этмоқдалар. Бу ерда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган.

Ш. Шапақатов корхонанинг тажрибали ҳайдовчиларидан саналади. У 18 йилдан бери шу ерда баракали меҳнат қилиб келмоқда. Коммунист-ҳайдовчи автокорхонада бригада пудрати усулининг ташаббускорларидандир. У оширилган мажбурият асосида иш олиб бормоқда. Ш. Шапақатов ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалиги учун зарур бўлган 225 минг тонна юкни ташиб бериш мажбуриятини олган. Бу кўрсаткич пландагидан 52,5 минг тонна кўпдир.

С. СУЛТОНОВ.

Ғолиблар ғайрати

Бугунги кунда йиллик планни жонажон пойтахтимизнинг муборак юбилейи шарафига бажариш мажбуриятини олган корхона ва ташкилотлар қаторида лак-бўёқ заводимиз коллективи аъзолари ҳам бор. Улар ушбу ҳаракатга чин дилдан қўшилганлигини изҳор этиб, янада зарбдорона меҳнат қилишга киришди. Айниқса Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси бир группа партия ва меҳнат ветеранларининг республика пойтахти юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича Мурожаати, шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари илғор ишчиларининг Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига йиллик планларини бажариш ташаббуси тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳаммамизни қувонтирди.

Хўш, бизнинг корхонада бу ҳаракат нималарда намоён бўлмоқда? Энг аввал, ўтган — мамлакатимизнинг шонли 60 йиллик юбилейи йилида қўлга киритган ютуқларни эслашни лозим деб топаман. Нега деганда, корхонамиз юбилей йилида улкан қўрсатгичларга эришди. Пландан ташқари 1 миллион 650 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун заводимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу юксак мукофот беш йилликнинг кейинги йилларида елкамизга катта масъулият юклаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунинг учун айни пайтда «Йиллик план — Тошкентнинг 2000 йиллигига!» ҳаракатининг майдонга келиши ишчиларимиз учун айни муддао бўлди. Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг қарори ишчиларимиз ўртасида кенг муҳокама қилинди. Юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақанинг план ва йўналишлари белгилаб олинди. Бу мусобақанинг асосий шартларидан бири «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» сўзлари билан белгиланади. Бу ерда ҳар бир ишчи эришган шахсий муваффақият ва қўрсаткичлар коллектив муваффақияти сифатида қабул қилинади.

Заводимизнинг бошқа цехлари қатори бизнинг 9-эмаль ва бўёқ ишлаб чиқариш цехимизда ҳам зарбдор ҳаракатнинг иштирокчилари сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ишчиларимиз имкони борича ана шу ҳаракатнинг олдинги сафларида бўлишга интилмоқдалар. Меҳнат ветерани, корхонамизда 28 йилдан бери фидокорона ишлаб келаётган қуювчи К. Денисова, аппаратчилар А. Мингазов, В. Мимина, В. Швецова ҳамда В. Пономарев сингари, ишчиларимиз корхонамиз бўйича йиллик планни пойтахтимиз юбилейи арафасида бажариш ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилдилар.

Цехимиз коллективи ўтган йил 16 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб берди. Бу йилги режаларимиз ҳам катта.

Цехимизда юксак меҳнат интизоми муҳитини яратиш борасида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг натижаси, албатта, фақатгина муваффақият ва муваффақиятдир. Бу тадбирлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Москва станоксозлари билан учрашувида белгилаб берган кўрсатмаларини шараф билан ҳаётга тадбиқ этишда катта роль ўйнайди.

А. ГРЕБНЕВ,
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводи 9-цехи бригада бошлиғи.

АГИТПОЕЗД Й. ЎЛДА

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, жисмоний тарбиялашни, уларни СССР Қуролли Кучлари сафидаги хизматга тайёрлашни янада кучайтириш пропаганда қилиш учун лекторлар, инструкторлар, уруш ва меҳнат ветеранларидан катта бир группаси «Ўзбекистон комсомоли» агитпоездида республика бўйлаб сафарга жўнаб кетди.

Агитпоезд активистлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар планига асосан Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг хизматга чақирилмаган ёшлар билан учрашув ва суҳбатлари, Совет Армиясининг қаҳрамонона тарихи тўғрисидаги китоблар бўйича лекция ва китобхонлар конференциялари ўтказилади, комсомол ташкилотларига ҳарбий-ватанпарварлик ишларида амалий ёрдам берилади.

Агитпоезд Бухоро областининг Когон станциясига келиши билан бу ерда Сталинград жангидаги ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ёшларнинг кўп кишилик митинги бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ФИЗКУЛЬТУРА ҲАРАКАТИНИНГ ОММАВИЙЛИГИ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН, СПОРТ МАҲОРАТИ ОШИРИЛСИН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 3 февралда республика спорт жамиятлари ва ташкилотларининг министрликлари ва идораларининг раҳбарлари билан, етакчи спортчилар билан учрашди.

Ш. Р. Рашидов учрашувда сўзлаган нутқида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори партия, совет, касаба союз, комсомол, спорт ташкилотларининг коммунизм бинокори — совет кишисини ҳар томонлама ўйғун тарбиялаб вояга етказиш соҳасидаги жанговар иш программаси бўлиб қолганлигини таъкидлади.

Бу соҳада республикада кўп иш қилинмоқда. Кейинги вақтларда Тошкентдаги теннис саройи, таълим-машқ яхмалаги ва велосипед треки, Самарқанддаги қайиқ эшиш канали, Фарғона, Андижон, Наманганда ги, Шовот, Тўрткўл, Пахтачи районларидаги спорт комплекслари сингари ноёб иншоотлар қурилди. Яқиндагина тоғ чанғиси бўйича СССР Кубоги учун Ўрта Осиёда биринчи мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақалар Чимёндаги туризм ва спорт дам олиш зонасида қисқа муддатда қурилган ва барча замонавий талабларга мос келадиган жойда ўтказилди.

Стадионлар, сузиш ҳавзалари, ипподромлар, спорт майдончалари сони муттасил кўпайиб бормоқда. Уларнинг қайси идорага қарашли эканидан қатъий назар, улардан одамларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, физкультура ва спортни ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланишни таъминлаш муҳимдир.

Ш. Р. Рашидов оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш, спорт маҳоратини ошириш масалаларига батафсил тўхталди. Физкультура ва спортни юксалтириш — КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида айтилганидек, совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш билан, уюшқоқлик ва интизомни ошириш билан, ахлоқ ва ирода фазилатларини шакллантириш билан, Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим социал-сиёсий вазифадир, деб таъкидлади у. Бу соҳа физкультурачиларнинг янги отрядларини тайёрлашда, Ўзбекистон спортчиларини СССР халқларининг VIII ёзги Спартакиадасига ҳозирлашда доимо диққат марказида туриши керак. Физкультура ва спортга хотин-қиз ёшларни кенг жалб этиш лозим.

Ш. Р. Рашидов ўтган мавсумда олий лигада фахрли олтинчи ўринни олган «Пахтакор» командасининг футболчилари ва тренерларини муваффақият билан самимий табриклади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛИБ, ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент агрегат заводида бўлиб ўтган йиғилишда коллективнинг шу йил биринчи ойидаги фаолиятига якун чиқарилди. Завод директори В. Бойжонов партия ва ҳукуматимиз ҳозирги пайтда алоҳида аҳамият бераётган долзарб масала — меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида сўзлади. У КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Серго Оржоникидзе номидаги завод ишчилари билан учрашувда айтган: «Гарчи ҳамма нарсани интизомга олиб бориб тақаб бўлмаса ҳам, инни айни интизомдан бошлаш керак» сўзларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Агрегат заводи бу йил планлаштиришнинг янги системаси асосида ишлай бошлади. Фактлар шуни кўрсатадики, янги планлаштириш ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга кўп аниқликлар киритди.

10 ва 20-цехлар коллективларин и н г Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада эришаётган ютуқлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу мусобақада жумладан, катта мастер С. Мусурмонқулов, мастер А. Отахонов ва А. Саидов сменалари, А. Сисоев, Т. Назаров, А. Марийченко, Б. Ибатбеков бригадаларининг хизмати, айниқса, таҳсинга лойиқ бўлди. Бу бригадаларнинг кўпгина илғорлари Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига қадар йиллик программани амалга ошириш вазифасини олишган.

Пойтахт юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича партия ва меҳнат ветеранларининг Мурожаатига жавобан корхона меҳнатчилари ўз социалистик мажбуриятлари бандларига, завод темир йўли шахобчасига бориб тақаладиган подъезд йўлларини ремонт қилиш, ўтиш йўлини реконструкция қилиш ҳамда завод ошхонаси реконструкцияс и н и амалга ошириш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплексини бунёдга келтириш вазифаларини ёзиб қўйдилар.

Н. КОЗИНСКИЙ.

ЖАҲОННИНГ 140 МАМЛАКАТИДАН МЕҲМОНЛАР

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида биродарлашган шаҳарлар билан алоқалар бўйича ижроия комитети комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бўлимнинг 1982 йилдаги якунлари ва 1983 йилдаги вазифалари юзасидан ҳисобот тингланди.

Америка Қўшма Штатларидаги биродарлашган Сиэтл шаҳрида «Тошкент кунлари»нинг ўтказилиши ажойиб тадбирлардан бири бўлди.

Делегация аъзолари биродарлашган шаҳарлар комитетининг аъзолари билан қатор суҳбатлар ўтказдилар.

Тошкент шаҳар делегацияси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети номидан Сиэтл шаҳри мэри ва биродарлашган шаҳарлар комитети аъзоларини 1983 йилнинг кузида нишонланадиган Тошкентнинг 2000 йиллик байрамида қатнашишга таклиф этди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида ўтган йили 16 капиталистик ва ривожланаётган мамлакатдан меҳмонлар қабул қилинди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамияти билан ҳамкорликда биродарлашган шаҳарлар муниципалитетлар адресига турли ахборот материаллари ва «Совет Ўзбекистони» бюллетени юборилиб турилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети жаҳоннинг кўпгина шаҳарлари ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти ҳамда турмуши билан қизиқаётган кишилар билан хат ёзишиб турди.

Ҳозирги пайтда Тошкентнинг 2000 йиллиги байрамига етиб келадиган делегацияларни қабул қилиб олиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. ЮНЕСКО йўли билан Тошкентнинг 2000 йиллиги шодиёналарида қатнашиш учун Ўзбекистон пойтахтига шаҳаннинг 140 мамлакатидан меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг делегацияси шу йили биродарлашган Триполи шаҳрига боради, биродарлашган шаҳарларнинг миллий байрамлари кенг нишонланади. Тунис ва Марокаш шаҳарларида Тошкент кунлари ўтказилади.

ШАРҲЧИ ҚАТРЛАРИ

ТАЗЙИҚ КУЧАЙМОҚДА

АҚШ вице-президенти Ж. Буш шошилинч равишда Ғарбий Европага сафарга чиқди. У ГФР, Голландия, Бельгия, Италия, Франция, Англияда, НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида бўлади, Женевадаги Совет— Америка музокараларидаги АҚШ делегациясининг бошлиқлари билан учрашади. Ж. Бушнинг бу сафари Рейган маъмуриятида асабийлик ҳукмронлик қилаётганлигини, у Ғарбий Европада Американинг ядро планларига қарши, айниқса Вашингтоннинг Ғарбий Европада янги ядро ракеталарини жойлаштириш режаларига қарши ҳаракат кенг авж олаётганлигидан ташвишга тушиб қолганлигини қўрсатади.

Англияда чиқадиган «Гардиан» газетасининг таъкидлашича, Буш Ғарбий Европага «бош қўндирувчи» бўлиб келмоқда. Унинг олдига «Совет Иттифоқининг кейинги тинчлик ташаббуслари Ғарбий Европа мамлакатлари жамоатчилигига кўрсатаётган таъсирини бўшаштириш» вазифаси қўйилган. Совет таклифлари, жумладан Европада қурол-яроғларни қисқартириш ва ҳарбий кучни қўлламаслик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифлари Европа қитъасида жуда катта қизиқиш туғдирди.

Шуни айтиш керакки, Америка вице-президенти олдига Ғарбий Европа халқларини АҚШнинг «тинчликсеварлигига» ва унинг «СССР билан музокараларда муваффақиятга эришиш учун зарур эпчиллик кўрсатаётганлигига» ишонтиришга уринди кўришдан иборат ҳал этиб бўлмайдиган вазифа қўйилган. Буш Боннга етиб келиши биланоқ АҚШ қуролсизланишга тайёрдир, деган гапни айтди, Бироқ унинг ўзи Ғарбий Европага қиладиган ана шу сафари арафасида журналистлар билан суҳбатда у ерга ҳеч қандай янги таклифлар олиб кетмаётганлигини ва машъум «нуль варианти»да қатъий туриб олиш ниятида эканлигини таъкидлаган эди. Маълумки, бу вариант Европада таркиб топган кучларнинг таҳминий тенглигини бузишга уриниш ва СССРнинг бир ёқлама тартибда қуролсизланишига эришишдан иборатдир. «Нуль варианти» НАТОнинг Ғарбий Европадаги ҳозирги ядро кучлари даҳлсизлигини сақлаб қолган ҳолда СССРнинг бутун территориясидаги ўртача олисликка учадиган барча совет ракеталарини тугатишни кўзда тутади.

Францияда чиқадиган «Матэн» газетасининг таъкидлашича, Буш олдида АҚШнинг Ғарбий Европадаги НАТО бўйича иттифоқчилари бирлигини мустаҳкамлашдан иборат қийин вазифа турибди. Маълумки, унга шу иттифоқ бўйича шерик бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳозир Женевадаги Совет-Америка музокараларида АҚШ ўтказаётган йўлнинг бундан буён ҳам давом эттирилиши мақсадга мувофиқ эканлигига шубҳа билан қарамоқдалар. Буш Ғарбий Европа мамлакатлари раҳбарларини қитъада халқларнинг ҳоҳиш-иродасига хилоф равишда Американинг янги ядро қуролини жойлаштиришдан иборат ҳавфли режаларининг амалга оширилишига рози эканликларини яна бир бор таъкидлашларига мажбур қилиш учун тазйиқни кучайтиришга ҳаракат қилиши шубҳасиздир.

Афтидан, Буш Ғарбий европаликларнинг Вашингтон иқтисодий соҳада ўтказаётган сиёсатдан, унинг иқтисодий танглиқдан ўз шериклари ҳисобига чиқиб олишга уринаётганлиги, шунингдек АҚШнинг Ғарбий Европанинг социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқ қилишини қўпориш ниятларидан норозиликларини ҳам бостиришга уринди кўради. Президент Рейган ҳали яқиндагина АҚШ давлат секретари Ж. Шульц келиб кетган Ғарбий Европага Бушни изма-из жўнатишга мажбур бўлганлиги АҚШ билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида кенг кўламдаги проблемалар юзасидан келишмовчиликлар мавжуд эканлигидан яққол далолат беради.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳчиси.

Йиллик план—Тошкентнинг 2000 йиллигига

ЮКСАК АҲДГА ЯРАША

Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан республикамиз пойтахти донгдор кишиларининг Чақириғи, ишлаб чиқариш илғорларининг пойтахтнинг барча меҳнаткашларига Мурожаати «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини ҳам руҳлантириб юборди. Коллектив Мурожаатга жавобан «Йиллик план — Тошкентнинг 2000 йиллигига!» ташаббусини қўллаб-қувватлаб чиқди. Бирлашма ишчиси, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери В. Харитонова, КПСС XXVI съезди делегати, созловчи М. Туробов сингари ўнлаб ишчилар ушбу ҳаракатнинг олдинги сафларида боришмоқда. Бирлашма партия комитети, касаба союз ва комсомол комитетлари комплекс тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирлар айни пайтда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бирлашма мураббийлари, меҳнат ветеранлари катта тарбиявий ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ёшларга фақат касб-ҳунар ўргатибгина қолмай, уларда ўз касби, ишчи номи билан фахрланиш, меҳнатга масъулият билан қараш сингари туйғуларни уйғотмоқдалар. Бу борада ёшларга меҳнат, маданият, спорт ва турмуш эстафетаси жуда катта ёрдам бермоқда.

Яқинда Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган шундай эстафетанинг иккинчи босқичи 1-тури корхонанинг 2-цехида ўтказилди. Эстафетада цехнинг 120 дан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчилари иштирок этишди.

Бу қизиқарли тадбирни ўтказишда 2-цехнинг катта мастери А. Федюшина, фрезерчи А. Юмагулов ҳамда Маданият саройининг режиссёри А. Докучаевлар хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Буларнинг ҳаммаси план ва социалистик мажбуриятларни ўз вақтида юксак даражада бажаришга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларига минглаб тракторлар, прицеп ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб берётган бирлашма ишчилари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини қатъият билан амалга ошира бориб, 1983 йил — республика пойтахти юбилейи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, йиллик давлат планини 29 декабргача бажариб, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 100 трактор, 50 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаш мажбуриятини олишган.

Р. ОРИПОВ.

КПСС аъзоси Н. Бухашева «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали тикувчиларидан саналади. У пойтахтимизнинг 2000 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Х. Бухашева.

Депутатлик группаси тажрибасидан

ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ

Серқуёш пойтахтимизнинг барча аҳолиси қатори Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари Тошкентнинг 2000 йиллиги нишонланадиган йилда зардбор меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларига жавобан, ҳар бир кунни қадрлаш, ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳар бир меҳнат коллективи учун асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Партия режаларининг амалга оширилишига халқ депутатлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, бизнинг 3-депутатлик группамиз ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши, социал тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам назорат этиб боряпти. Шунингдек сайловчиларнинг наказлари ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Группамиз бешта секторга бўлинган. Булар қурилиш, ободонлаштириш, коммунал-маиший хизмат, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича бўлиб, ҳар бир секторга тажрибали депутатлар бошчилик қилишади. Бу секторларнинг барчаси ўз иш планига эга. Масалан, ободонлаштириш бўйича пассажир транспорти бекатларни тартибга келтириш, кўчаларнинг тунда ёритилишини яхшилаш, йўлларни ремонт қилиш ва чиқиндилардан ўз вақтида тозаланишини таъминлаш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Группа аъзолари район Совети сессияларига қўйиладиган масалаларни тайёрлашда ҳам қатнашиб жойлардаги аҳволни ўрганишда иштирок этмоқдалар. Жумладан агрегат, «Миконд» заводлари ва 3-автопаркда уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг ҳолати бўйича масалани тайёрлашда депутатлик группаси аъзолари қатнашдилар. Депутат М. Иброҳимов эса капитал қурилишнинг бориши ва уй-жой, маданий-маиший ва халқ маорифи объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш бўйича район Советининг иккинчи сессиясига масала тайёрлашда қатнашди. А. Орлова, Г. Қўчқорова, Т. Шишкина, Г. Каримова каби депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиб ишлашмоқда. Улар ўз депутатлик бурчларини сидқидилдан бажаришяпти.

Сайловчилар наказлари билан ишлаш депутатлар фаолиятининг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Ҳозиргача бизнинг депутатлик группамиз аъзоларига берилган наказларнинг бир қанчаси бажарилди. Тошмуҳамедов, Қамарнисо, Мирза Ғолиб кўчалари жорий ремонт қилинди. Бир қанча кўчалардаги эски ёритгичлар янгиларига алмаштирилди. Микрорайонларда болалар спорт майдончалари барпо этишга катта эътибор берямиз. Шу кунларда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг иш режимини аҳолига қулай равишда тартибга солишга қаратилган бир қанча ишлар қилиняпти.

Халқ депутатлари ўз бурчларини бажара бориб, районни социал-иқтисодий ривожлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар. Ун биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши борасида куч ва ғайратларини аямайдилар.

З. КАРИМБЕРДИЕВ,
«Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Собир Раҳимов район Совети қошидаги 3-депутатлик группаси раиси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН ХАТЛАР

△ ҲУНАР — БАХТ КАЛИТИ | △ УЗОҚ УМР ГАРОВИ | △ КЎРКАМ КОШОНАЛАР | △ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

• Бунёдкорлар юбилей вахтасида

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ УЙ ҚУРИЛИШИДА

Маълумки, 1966 йилги даҳшатли ер ости силкинишидан кейин олим ва меъморлар орасида узоқ вақт мунозара, тортишув давом этди: Тошкент географик жиҳатдан сейсмик зона бўлганлиги сабабли бир группа меъморлар «Пойтахтимизда кўп қаватли бинолар қуриш мумкин эмас», деган гапни айтишди. Иккинчи группа меъморлар шаҳримизда бундай биноларни «қуриш мумкин» деган фикр билан чиқишди. Шундан сўнг Тошкентда кўп қаватли, экспериментал уйлар қуриш кенг кўламда авж олиб кетди.

Ҳозирги кунда қурилаётган бинолар зилзилага бардошли бўлиб, яшаш учун ҳар томонлама қулайдир. Чунончи, «Ташзниииэп» лойиҳа институти меъморлари яратган лойиҳа асосида В. И. Ленин номли кўчада (собиқ Туркман бозори олдида) Иттифоқ миқёсидаги тажриба-экспериментал бино қад кўтаряпти. У 16 қаватли бўлиб, 120 оилага мўлжалланган. Экспериментал уйнинг хоналари ярим доира шаклида, деворлари керамзит бетонли бўлиб., юқори балли зилзилага бемалол бардош беради. Бинонинг биринчи қаватида турли хил маиший хизмат кўрсатиш уйлари ҳамда савдо дўконлари бўлади. Унинг ертўла қисмида эса яшовчиларнинг баъзи ортиқча уй-рўзғор буюмларини сақлаш учун махсус хоналар ажратилади. Бинонинг ички ва ташқи қисми ҳам оқ рангда бўлиб, 2, 3, 4, хонадан иборат бўлади. Унинг марказий қисмида иккита пассажир лифти ҳамда битта юк ташиш лифти истиқоматчиларга хизмат қилади.

Ҳар бир қаватдан кейин болаларнинг ўйнаши, дам олиши учун қишки ҳовли барпо қилинган бўлиб, у ўриндиқлар, турли хил спорт ускуналари билан жиҳозланади.

Бу ерда 11-«Висотстрой» трестининг «Спецжелезобетон» қурилиш бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг бунёдкорлари меҳнат қилишяпти. Участка бошлиғи С. Арлашин бинони тиклашда жонбозлик кўрсатаётган бригадалар ва илғор қурувчилар ҳақида тўлқинланиб гапирди:

—Б. Аббосов ва С. Вашенко бошлиқ бригадалар ҳозирда 1983 йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларидан илҳомланиб, ойлик планларни 120-130 процент бажаришмоқда. В. Ишов, А. Павлов, А. Рагулин, М. Расулхўжаев, ака-ука Турсуновлар каби қурувчилар жонбозлик кўрсатишиб, ҳозир 1983 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқдалар.

А. НУРМУРОДОВ.

«Йиллик план —Тошкентнинг 2000 йиллигига!» ҳаракатининг иштирокчилари Й. Охунбоев номидаги бош кийимлар фабрикасида ҳам кўплаб топилади.

СУРАТДА: корхонанинг пойтахтимиз юбилейини муносиб тухфалар билан кутиб олишга аҳд қилган фидокорлари (чапдан ўнгга) Н. Фозилова, Д. Эргашева ва М. Йўлдошевалар.

Х. Суннатуллаев фотолари.

МАРДЛИК МАНГУЛИК

АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ

Тилларда достон бўлган Панфиловчиларнинг афсонавий қаҳрамонлиги кишиларимиз қалбига ҳали-ҳалигача ғурур, ҳаяжон солиб келади. Гитлерчиларга қирон келтирган, ўзларининг шарафли номларини абадиятга қолдириб, мардларча ҳалок бўлган жангчилар асосан Ўрта осиёлик йигитлар эди. Генерал-майор И. В. Панфилов қўмондонлик қилган 8-ўқчи дивизия 1941 йилда Ўзбекистонда тузилган.

Яқинда қаҳрамон туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан шаҳардаги 111-республика мактаб-интернатида тантанали кеча бўлиб ўтди. Бу ерга Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва 8-ўқчи дивизияда хизмат қилган собиқ жангчилар ташриф буюришди. Панфиловчилардан Ю. В. Несембоин, П. В. Акименко, Б. А. Либерзон ва дивизия композитори С. А. Абсаломовлар йиғилганларга қўмондонинг ҳаёт ва жанг йўллари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб беришди.

Ўша куни очилган генерал-майор И. В. Панфилов бюсти қошида пионер ва комсомоллар саф тортиб, қасамёд қилишди. Учрашув охирида Б. А. Либерзон И. В. Панфилов номидаги дивизиянинг 40 йиллигига бағишлаб таъсис этилган эсдалик медалини мактаб-интернат музейига тақдим этди.

ПОЧТА ИШИДА НЕГА ЎЗГАРИШ БЎЛМАЯПТИ?

Газетхонларимиз редакцияга юборяётган кўпдан-кўп хатларида обуначиларни ўз вақтида ололмаётганликлари бу ҳақда мутасадди идораларга бориб қимматли вақтларини беҳуда ўтказишаётганликларини ёзишган. Кўрниб турибдики, алоқа бўлимидагилар намунали хизмат кўрсатиш ҳақида шошилишмаётир. Обуначиларга қандай ёрдам бериш ва ниҳоят узоқ муддатдан бери зич ёпилиб турган эшикларни қандай очиш мумкин?

Ўғлимнинг Саратовдан юборган хатини 30 кундан кейин олдик. Қачонгача биз алоқа бўлимидагиларнинг бундай совуққонликларига тоқат қиламиз. 143-алоқа бўлимидагилар шаҳар ичкарисидаги адрес бўйлаб юбориладиган хатларни ҳам беш кундан кейин юборишади.

А. СКОРКО,
Алпомиш кўчаси, 40-уйда яшовчи.

●

«Социалистическая индустрия» газетасини чиққан вақтидан кейин икки кундан кейин оламан. 52-алоқа бўлимининг обуначиларга ана шундай хизмат кўрсатишини билганимда газетага ёзилмаган бўлардим.

М. ДМИТРИЕВ,
Измайлова кўчаси, 60-уй, 50-квартирада истиқомат қилувчи.

●

Ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкентда бўлганимда ўз номимга 143-алоқа бўлимидан қимматбаҳо посилка (№ 500) юборгандим. Ҳалигача ана шу посилкани ололганим йўқ. Алоқа бўлимига бир неча маротаба мурожаат этдим, фойдаси бўлмаяпти.

З. УГЛИНСКАЯ,
Олмаота шаҳар, Орбита 3—5—108.

●

Мен бу йил «Труд», «Вечерний Ташкент» газеталарига обуна бўлган эдим. Лекин ҳалигача бирортасини олганим йўқ. Бу ҳақда алоқа бўлимига учрашсам, бефарқ қарашмоқда.

Я. ТУКТАМИШЕВА,
Роҳат кўчаси, 3-уй, 6-квартирада яшовчи.

●

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» программасини 2—3 кун кечикиб оламан. Наҳотки 69-алоқа бўлимидагилар Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи аҳолига обуналарини шунчалик кеч олиб келишса?

М. РАФИҚОВ,
Сағбон кўчаси, 248-уй, 10-квартирада турувчи.

●

1 январдан бошлаб 190-алоқа бўлими менга обуна бўлган «Советская Россия» газетасини олиб келмаётир.

В. ЕРМИШИН,
уруш ветерани.

●

Биз Учқудуқдаги ўғлимизга 2 декабрь куни табрик телеграммасини юбордик. Ўзим 13 январда шаҳарлараро автобусга ўтириб 14 соатда ўғлимникига меҳмонга бордим ва юборган откриткамни шу куни олдим.

Н. КУЗЬМИН,
Чилонзор массиви, 3-уй, 48-квартирада истиқомат қилувчи.

●

Почта ишини яхшилаш учун Москвадаги почтальонлар тажрибасини кенг ёйиш керак. Ўзим 8 соат 18 дан кейин обуначиларга тарқатиш учун яна бир бошқа почтальонлар ишлашади. Студентлар, юқори синф ўқувчилари ёки ишлаш истагини билдирган меҳнаткашлар бу ишни бажаришлари мумкин.

В. ГИЕВСКИЙ,
С. Жўра кўчаси 7-уйда яшовчи.

РЕДАКЦИЯДАН: Кўрниб турибдики, шикоятларнинг оқими тўхтамаётир. Редакция шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси раҳбарлигидан белгиланган аниқ чора-тадбирлар ҳақида жавоб кутади!

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ФУЗАИЛОВ: Туғилганим тўғрисидаги гувоҳномада исмим хато ёзилган. Буни тўғрилаш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: СССР гражданларининг исми, фамилияси ва отасининг исмини ўзгартириш ҳақидаги қоидага биноан Сиз фамилиянгизни тўғрилаш учун ўзингиз яшаб турган район ижроия комитети қошидаги ЗАГС бюросига мурожаат қилишингиз керак.

* * *

Д. СОТИБОЛДИЕВ: Биз ромларга ойна ўрнатмоқчи эдик. Шаҳримизда ромларга ойна солиб берадиган устахона борми?

Жавоб: «Стройрембит» бошқармаси аҳолига ана шундай хизмат кўрсатади. У Тимирязов кўчасидаги 20-уйда жойлашган. Бошқарма кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги батафсил маълумотларни 35-10-42 телефонига қўнғироқ қилиб билишингиз мумкин.

* * *

Т. ҲАИИТБОЕВ: Троллейбус ҳайдовчилиги курсларига ўқишга кирмоқчи эдим. Ҳозирги пайтда ана шундай курсларга қабул қилишадими?

Жавоб: Бундай курслар 1-троллейбус депоси қошида очилган. Бу троллейбус депоси шаҳримизнинг Тарас Шевченко кўчасидаги 20-уйда жойлашган.

* * *

Д. НУРМУҲАМЕДОВА: Шаҳримизда аҳоли буюртмалари асосида ҳар хил мебеллар, болалар кравотлари тайёрлаб берадиган корхона бор. Ана шу корхона ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли Тошкент маиший жиҳозлар ва мебель тайёрлаш ва ремонт қилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолининг буюртмасига кўра ўлардан турли хил мебеллар учун буюртма қабул қилади ва тузатиб беради. Бирлашма Қорасарой кўчаси 282-«а» уйда жойлашган.

* * *

Д. ХУДАЙДАТОВА: Шаҳримизда заргарлик буюмларини топшириб уни қайтадан бирорта узук ва шунга ўхшаш заргарлик буюми қилиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Весна кўчаси, 223-уйда «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Ана шу бирлашманинг пунктига мурожаат қилиб, ўзингиз истаган тузилишдаги узук ёки бошқа заргарлик буюми ясаттиришингиз мумкин. Буюртмалар бир ой ичида бажариб берилади.

* * *

Т. ҲИДОЯТОВА: Шаҳримизда комиссион магазинлардан ташқари эскирган оёқ кийимларини, устки кийимларини ва уй-рўзғор асбоб-анжомларини қабул қилиб оладиган пункт борми?

Жавоб: Тошкент шаҳар «Вторсирье» ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонасининг олтита пунктида ҳар хил буюмлар аҳолидан қабул қилиб олинади. Қуйида уларнинг адресини берамиз: Собир Раҳимов кўчаси 1-уйда, Фаробий кўчасидаги Чиғатой бозорчасида, Ташавтомаш» массивида, Ўйғур кўчасидаги Кўкча бозорида.

* * *

К. ЭШОНХЎЖАЕВ: Кўпчилик ҳолларда транспортнинг олдинги эшигидан ёшларнинг чиқаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Транспортнинг олдинги эшигидан кириш учун кимларга рухсат берилади?

Жавоб: Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидаларида шундай дейилади: транспортнинг олдинги эшигидан катта ёшдагилар ҳамроҳлигида бўлган мактабгача ёшдаги бўлган болалар, ўқувчилик билетларини кўрсатган бешинчи синфгача бўлган ўқувчилар, ҳомиладор аёллар, инвалидлар ҳамда уларга ҳамроҳ бўлган кишилар, шунингдек қарияларнинг чиқишларига рухсат берилади. Ёшларнинг транспортнинг олдинги эшигидан киришлари белгиланган қоидага зиддир.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ҲАММОМДАГИ ТЕШИК ТОҒОРОЛАР

Озодалик — туман бойлик. Ҳар ҳафтада бир марта ҳаммомга бориш, ювиниб-тараниш кишининг бахридилини очади, руҳини енгиллаштиради. Шундай ният билан Собир Раҳимов районининг 2-Чимбой кўчасидаги 20-ҳаммомга тушдик.

Антиқа воқеа юз берди. Ўғилларим билан ҳаммом ичида роса тоғора қидирдик. Ниҳоят иккитагина тоғорани топиб, сув тўлатмоқчи эдик, тешик экан. Бу ердаги ходимдан сўрадик:

— Эй, биродар, бирорта бутун тоғора топиладими?

— Шу ерда ўттизта тоғора бор, — деди ходим ранжигандек, — очиқ гап, кўплари тешик, сувни тўлатингда бошингиздан фаввора қилиб ювинаверинг.

Ана сизга маслаҳат! Ҳаммомчилар тешик тоғоралардан қандай фойдаланишни «ихтиро» қилиб қўйишибди. Ҳаммомга ўнлаб одамлар киради-ю, ўттизтагина тешик-элик тоғора қўйишибди. Шу ҳам меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш бўлдими?

А. ТОЛИПОВ.

• *Советлар ҳаётидан*

Наказлар берилди

Киров район Советининг депутати, «Узбексельмаш» заводининг ишчиси Мунаввар Бобожонова Янги ариқ маҳалласидаги 96-мактаб биносида ўз сайловчилари билан учрашди.

У Киров районида кейинги вақтда сайловчилар наказлари асосида олиб борилаётган ободончилик ишлари тўғрисида сўзлаб берди. Жумладан, яқинда маҳаллага қўшни бўлган Юнусобод массивида ўрта мактаб, болалар боғчаси ҳамда ўнлаб турар жой бинолари қад кўтарганини айтди. Киров райони территориясида улкан телевизион минора қурилганини, бу минора район кўркига кўрк қўшаётганини фахр билан сўзлади.

Кейин маҳалла аҳли вакиллари сўзга чиқиб, катта ҳажмдаги ободончилик ишлари олиб борилаётганидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Айни пайтда Киров районидаги Мукаррама Турғунбоева, Тўхтасин Жалилов, Киев кўчалари ремонтга муҳтож эканлиги ҳамда Уста Ширин кўчасининг чап томонидаги «Янги ариқ» бекатига соябон қурилмагани ва 5-болалар амбулаториясининг филиалида қонни анализга оладиган лаборатория йўқлиги туфайли аҳоли қийналаётганини айтдилар. Ана шу камчиликларни бартараф этишда ёрдам беришни депутат Мунаввар Бобожоновага наказ қилиб топширдилар.

Киров район Советининг депутати Мунаввар Бобожонова учрашув охирида сўзга чиқиб, сайловчиларнинг бу наказларини бажаришга сўз берди.

А. НАБИХУЖАЕВ.

• *Газетхон илтимосига кўра*

НАСРИДДИН АФАНДИ—ТОШКЕНТДА

Ўтган йилнинг декабрь ойида маҳалламиздаги «Самарқанд» чойхонаси зинапоясида Насриддин Афандининг эшак миниб ўтирган ҳолатини ифодаловчи ҳайкал ўрнатилди. Бу ҳайкалнинг нима сабабдан «Самарқанд» чойхонаси ёнига ўрнатилганлиги бизни қизиқтириб қолди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

И. ҲАКИМОВ,
Қувурариқ маҳалла комитетининг раиси.

Қ. АЛИМОВ,
маҳалла комитети секретари.

М. АШРАФИЙ,
Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари.

— Қадимда шаҳримизнинг турли томонларида ўн икки дарвоза бўлган. Шулардан бири Самарқанд дарвозаси эди. Бу дарвоза орқали Самарқанддан келган карвонлар шаҳарга кирар эдилар. Ҳозирги кунда Самарқанд дарвоза кўчаси сақланиб қолган. Шу боисдан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Самарқанд» чойхонаси ёнида Насриддин Афандининг ҳайкалини ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳайкалнинг автор-архитектори Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати С. Сутягиндир. «Насриддин халқ дўсти» деб номланган ҳайкал атрофида келажакда Оқтепа массиви бунёд этилади. Бу ерда кўплаб кўркам 9—12 қаватли турар-жой бинолари билан бир қаторда, маиший хизмат, савдо шаҳобчалари қурилади. Насриддин Афанди ҳайкали Самарқанд томонга олиб борадиган йўл бўлганиги учун Самарқанд дарвоза кўчасидаги «Самарқанд» чойхонаси ёнига ўрнатилди.

«Тошкент оқшоми» да босилгандан кейин

«АВТОБУС КУТИБ»

Ана шу сарлавҳа билан газетамизнинг ўтган йил 19 ноябрь сонида танқидий мақола берилиб, унда 18-автобус паркига қарашли 7 «э» ва 134-маршрутларда йўловчиларга қониқарсиз хизмат кўрсатилаётганлиги танқид қилинган эди. «Главташпассавтотранс» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Султоновнинг жавобида айтилишича, ҳақиқатан ҳам бу маршрутда йўловчиларга хизмат кўрсатишда бир қанча камчиликларга йўл қўйилган. Асосан, маршрут ишида назорат қилиб туриш сусайтирилиб юборилган. 18-автобус парки раҳбарлари газетада чиққан мақолани корхона шофёрлари ўртасида кўриб чиқиб, шофёрлар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказишди ва ана шу маршрутларга қўшимча автобуслар қўйишди.

7«э» ва 134-автобус маршрутидаги ишларни назорат қилиб туриш вазифаси автобус парки директорининг ўринбосари У. Хўжаевга топширилди.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА ҚУРИЛДИ

ҲАЙДОВЧИ ЖАЗОЛАНДИ

Редакциямизга газетхон Р. Муҳитдинов юборган шикоят хатида 1982 йил 10 сентябрь куни оғир жароҳатланган қизчасини шифохонага олиб кетаёганда 5-таксопаркка қарашли 92—90 ТНП машинасининг ҳайдовчиси хизмат кўрсатишдан бош тортганлиги ёзилганди. Редакция бу мактубни текшириш учун 5-таксопарк маъмуриятига юборди. Таксопаркдан директор К. Насриддиновнинг имзоси билан берилган жавобда айтилишича, шикоят хатини текширишда ўтган йил 10 сентябрда 92—90 ТНП машинасида ҳайдовчи Р. Бадалов ишлаганлиги аниқланди. Мактуб ҳайдовчилар ўртасида муҳокама қилинди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш қоидасини бузганлиги учун ҳайдовчи Р. Бадаловга виговор берилди.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРС

Адҳам РАҲМАТ,
А. Фадеев мукофоти лауреати.

Унутилмас жасорат

Биз, бир группа фронтчи-ҳарбий журналистлар 1942 йилнинг қаҳратон қиш кунларидан бирида фашист босқинчиларига қарши жанг олиб бораётган қисм жангчилари билан суҳбатлашиш, жанг манзараларини кўздан кечириш, жанг қаҳрамонлари ҳақида мақола ва лавҳалар ёзиш мақсадида Сталинград томон бордик.

Шаҳарнинг жанубий бўсағаларида қизғин жанг кетарди. Вақти-вақти билан окоплар устида душман самолётлари пайдо бўлар, уларга қарши бизнинг қўрувчи самолётларимиз кўтарилар, осмонда даҳшатли жанг бошланарди. Артиллерия отишмалари, миналаринг, авиа бомбаларнинг портлаши ҳамма ёқни ларзага соларди. Пулемётлардан отилаётган ўқлар чийиллаб учиб ўтарди, шундай даҳшатли ўт-олов ичида жангчиларнинг мардлиги, жасурлиги ва матонати намоён бўларди.

Биз борган ўқчи полкининг бир ротасига эгаллаб турган позициясини янада мустаҳкамлаш тўғрисида буйруқ берилди. Рота олдинга бораётиб душманнинг кучли ўтига учради, жангчилар очиқ майдонда ётиб олдилар. Бундай пайтда жасурлик, чаққонлик кўрсатиб, ҳатто жонни фидо қилиб бўлса ҳам жангчиларни душман устига бошлаб бориш керак бўларди. Командир бу қондани яхши билар, шунинг учун ҳам у сиёсий раҳбар ўринбосари ўзбек йигити Борий Боймуҳаммедовга душманнинг ўт очиш нуқтасини йўқ қилиш тўғрисида буйруқ берди.

Боймуҳаммедов душман пулемётчиси ниқобланиб олган кичкина жарлик бўйига ер бағирлаб, судралиб борди ва ўт очиб душман пулемётчисини йўқ қилди. Йўл очилиши билан рота жангчилари душман траншеясига бостириб кирдилар.

Ўзларининг қулай позицияларидан ажраб қолган фашистлар, бунга тоқат қилолмай қарши ҳужумга кўтарилган бўлишса-да, катта талофат бериб орқага чекиндилар. Жангнинг ҳал қилувчи пайтида сиёсий раҳбарнинг ботирлиги маррани сақлаб қолишда катта роль ўйнайди. Туркман йигити Қ. Сахмонов, ўзбек Собир Рўзиматов, грузин Шалва Иванидзе, украин Пётр Прицепларнинг ҳам Боймуҳаммедовнинг ёнида елкамаелка туриб жанг қилдилар. Собир Рўзиматов яралланган бўлса ҳам жанг майдонидан чиқиб кетмади.

Қисмда коммунист М. Исмоилов рус тилини билмаган жангчиларга қуролдан қандай фойдаланиш кераклигини қунт билан ўргатарди.

Ёш ўзбек жангчиси Ёқуб Умурзоқов рус тилини яхши билмасди. Шунинг учун ҳам у зенит тўпининг материал қисмларини ўрганаолмасди. Исмоилов Умурзоқовга рус тилини, ҳарбий терминларнинг маъносини, тўп механизмлари устида қандай ишлашни ўргатди.

Умурзақов рус тилини айниқса, материал қисмлар номини ўрганиб, қисқа муддат ичида ўзини кўрсата бошлади. У фашист самолётини уриб туширишда расчётдагилар қатори аъло даражада ҳаракат қилиб, «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Коммунист жангчи, бир қанча жанговар орден ва медаллар кавалери М. Исмоилов даҳшатли бир жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

Бу воқеа Сталинграддаги қаҳрамонона жанглар вақтида юз берди. Қўшинларимиз жафокаш шаҳарни фашист босқинчиларидан тозалаш учун шиддатли ҳужумга ўтдилар. Тиш-тирноғигача қуролланган гитлерчилар бор кучларини ишга солиб, жангчиларимизнинг олга силжишига зўр бериб қаршилик кўрсатарди.

Хуллас, шаҳарнинг ҳар қарич ерини жанг билан озод қилиш керак эди. Қўшинларимиз шиддатли жанг олиб бораётган кунларнинг бирида гвардиячилар душманнинг мустаҳкам ўрнашиб олган кучли таянч пунктига дуч келди.

Тепаликни ишғол қилиш қисмнинг бир полкига топширилди. Полкда анчагина ўзбек йигитлари ҳам бўлиб, улардан бири Жуманазар Норов уста разведкачи эди.

Қаҳратон кишнинг изғиринли кунларидан бири. Қоронғи чўккач полк коммунистлари тўпландилар. Командир ўрнидан турриб, уйқусизликдан кизарган кўзларини ишқалаб сўз бошлади:

— Навбатдаги жанг ниҳоят даражада оғир бўлади. Тепаликдаги душман ўт очиш нуқтасини ишғол этиш осон эмас, албатта. Аммо, биз бу нуқтани йўқ қилишимиз керак.

Орага жимлик чўкди. Бу жимликни яна командирнинг ўзи бузди. Унинг жарангли овозидан ҳамма ҳушёр тортди.

— Қизил байроғимизни тепаликка ким тикади?

— Менга ижозат берсангиз, — деди ертўла бурчагида ўтирган солдат ирғиб жойидан турар экан. Бу полкда номи достон бўлган, абжир ва сезгир разведкачи Жуманазар Норов эди. У шундан бир неча кун илгари шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинган эди.

— Сиз топшириқнинг оғирлигини яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? — деб сўради.

— Ўйлаб кўрдим, бўйруқни шараф билан бажараман.

Тонг ғира-шира ёришиши билан фашистларнинг позицияси олдида кучли портлаш юз берди. Мана, атака сигнали ҳам янгради. Юзлаб «Ура» деган кучли овозлардан моторларнинг гувиллаши, ўқларнинг визиллаши ҳам эшитилмай қолди. Жанг нихоят даражада қизғин бўлди. Шиддат билан қилинган атака натижасида душманнинг биринчи-траншеяси эгалланди. Бироқ тепаликдан фашист танклари, ундан кейин саф тортган автоматчилар пастликка томон силжий бошлади.

Бош кўтаришнинг ҳеч имкони йўқ. Снаряд парчалари ҳам маёқнинг тит-питини чиқариб юборди. Шу пайт қизил байроқ ҳилпиради. Жуманазарнинг жарангдор овози янгради.

— Ватан учун ура!!! Жанговар Қизил байроқ ҳилпираб, гвардиячиларни янги қаҳрамонликка чорларди.

Мана тепаликка ҳам жуда яқин қолди. Кутилмаганда блиндаждан фашист офицери отилиб чиқди. У шошилганича Норовга қараб тўппончадан ўқ узди. Норов гандиракламаб бориб, байроқни кучоқлаган ҳолда дарахтга суянди-да ёни билан йиқилди. Уни юзи, кўзи қон билан қопланди. Жуманазар ётган ерида фашист офицерига қарата ўқ узиб, уни йиқитди. Жангчиларимиз Норовга ёрдамга етиб келганда, у байроқни баланд кўтарган ҳолда олдинга интиларди. Ниҳоят тепаликка ҳам етиб келди. Жуманазар сўнгги кучини йиғиб, байроқни икки қўли билан ерга қадаганича ўтириб қолди.

Жуманазар Норовни медсанбатга жўнатмоқчи бўлдилар. Бунга у кўнмади. Полк командири етиб келганда, Жуманазар ётган жойидан зўрға туриб, топшириқ бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

Сталинградда қизғин ва шиддатли жанглар тўхтовсиз давом этаётган кунларда қўмондонликдан младший лейтенант Михаил Кабрибов командирлигидаги Бобоёр Ғаффоров, Абдураҳмон Эрдонов, Диёр Аҳмедов, Субхон Файзиев, Нурмурод Ҳайитов, Саттор Мардонов, Ҳудойқул Мусаев, Баҳром Алибеков, Собир Толипов, Комил Ҳузинлардан иборат группага қўшинларимиз етиб келгунча Сталинград бўсағасидаги муҳим бир тепаликни эгаллаб туриш тўғрисида буйруқ берилган эди. Гитлерчилар тепаликни қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан бир неча марта уриниб кўришди. Лекин, бу уринишларнинг ҳаммаси пучга чиқди. Бир группа совет жангчиларининг мардлиги ва жасурлигидан ғазабга келган фашист ғазандалар тепаликни ҳар қандай қурбон бериб бўлса ҳам ишғол қилиш учун 300 солдатни жангга ташлади. Кабрибов жангчиларга дарҳол тўрт томондан мудофаа позициясига ўтишни буюрди.

Орадан сал ўтмай икки ўртада қизғин жанг бошланиб кетди. Зўр бериб тепалик томон интилган фашистларнинг ярми қириб ташлангач жангчиларимизнинг ўқ-дорилари ҳам тамом бўлиб қолди. Икки ўртада найзабозлик жангги бошланди. Ҳамма аралашиб кетди. Бобоёр Ғаффоров ярадор бўлишига қарамай найзабозликда маҳорат кўрсата бошлади. Совет жангчилари тўққиз ўзбек, бир қозоқ ва бир татар лейтенант Михаил Кабрибов командирлигида жанговар постни охирги томчи қонлари қолгунча ҳимоя қилдилар ва Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар, лекин босқинчиларни тепаликка йўлатмадилар.

Бу тепаликка «Шарқлик ўн бир қаҳрамон тепалиги» деб ном берилди.

Сталинград шаҳри кўчаларида ўзбек жангчиларидан фарғоналик Йўлдош Азимов ва қорасувлик Маннон Халилов кўрсатган қаҳрамонликлар ҳам асло унутилмайди.

Воқеа бундай бўлган эди:

...Шаҳарнинг 9 январь кўчасидаги икки қаватли тош бинога жойлашиб олган гитлерчилар жангчиларимиз устига тинмай ўқ ёғдириб, уларнинг бош кўтаришига ҳам имкон бермай қўйганди. Шу даҳшатли дақиқада Халилов билан Азимов ва яна беш жангчи эмаклаган ҳолда бинони айланиб ўтиб, қўққисдан биринчи қаватга бостириб кирдилар ва автоматлардан ўқ узиб, бир неча гитлерчини қириб ташладилар. Тирик қолган фашистлар бинонинг иккинчи қаватига чиқиб, пастга граната ирғита бошладилар,. Шу пайт Азимов ҳарбий ҳийла ишлатди:

— Ҳаммангиз қуршовда қолдингиз. Бино остига мина кўмилган, ўн саккиз минутдан кейин портлайди. Сизларга ўн минут муҳлат, ҳаётингизни сақлаб қолинг! — деб қичқирди.

Гитлерчилар ваҳимага тушиб қолдилар ва юқоридан:

— Ўзинг кимсан! — дўқ сўрадилар .

Азимов аслида сержант бўлса ҳам:

— Мен батальон командири, майор Азимовман, — деб жавоб қайтарди, — ҳаммангиз ўн минут ичида қуролларингизни ҳовли майдонига ташлаб, зинапоядан тартиб билан битта-битта тушинглар, акс ҳолда ҳаммангиз ҳалок бўласиз, — деди.

Минанинг портлашидан таҳликага тушган гитлерчилар таслим бўлишга розилик билдирдилар. Шу пайт Азимов товушининг борича:

— Биринчи, иккинчи ва учинчи роталар! Менинг буйруғимсиз ўт очмангиз! — дея қичқирди.

Шу маҳал юқори қаватдаги душман солдатлари қуролларини ҳовли майдонига улоқтириб, қўлларини юқори кўтарганларича тартиб билан зинапоядан туша бошлашди.

Ўн минут ичида 80 солдат, бир майор ва 4 офицер асир олинди...

Шу кунларда қаҳрамон шаҳар Сталинградга минглаб совет кишилари ва чет эллик туристлар меҳмон бўлиб келмоқдалар. Улар душманга қақшатғич зарба етказган, улкан ғалабага ҳисса қўшган фидокор жангчилар номини эҳтиром билан ёдга оладилар. Сталинград остоналаридаги оммавий жасорат асло унутилмайди.

Дўстлик ва ўзаро ёрдам — жамиятимизнинг характерли белгиси. Совет кишилари Куба ва БАМда, Коратупроқли ер ва Анголада хуллас, қаерда ишлашмасин ўзларининг интернационал белгиларини намойиш этишади. Грузиялик қурувчилар Байкал-Амур магистралининг Чита участкасида Икабья станциясини бунёд эта туриб, бу ерда каттагина спорт зали қурдилар Эндиликда бу жой мусобақалар маснанига айланди. Украиналик қурувчилар ташаббуси билан бунёд этилган «Русский чай» кафеси эса анъанавий интернационал кечалар ўтказиладиган жойга айланди.

СУРАТДА: «Русский чай» кафесида БАМликлар, Украина ва Грузия вакиллари тўпланишган.

ТАСС фотохроникаси.

Оммавий-мудофаа ишлари ойлиги

АКТИВЛИК БИЛАН

«Промсвязьмонт а ж» трести Ўзбекистон монтаж бошқармасининг граждан мудофаси бошлағич ташкилоти оммавий-мудофаа ишлари ойлигида актив иштирок этмоқда. Штаб ходимлари ойлик мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга катта ёрдам беришини яхши билишади. Улар ишчи ва хизматчиларни ойликнинг моҳияти билан таништириш мақсадида турли стендлар ва фотомонтажлар ташкил этишди.

Алоҳида хонага меҳнатчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган адабиётлар қўйилган. Уларнинг орасида «Военние знания», «Армия ва Флот агитатори» журналлари ҳамда «Советский патриот» газетаси бор. Ҳарбий меъмуарларни ҳам келаётганлар қизиқиш билан ўқишмоқда.

Граждан мудофааси ташкилотининг машғулотлари уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Амалий машғулотлар эса махсус кўргазма ва қуроллар билан жиҳозланган жойларда ташкил этилмоқда.

В. МАРАХОВСКАЯ.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

МАКУЛАТУРА ТОПШИРМОҚЧИ ЭДИК...

Макулатура топшираётганлар учун эълонни ҳафта ўртасида босиб чиқариш мумкин эмасми! Газеталарни бизга катта кечикиш билан олиб келишади, шу боксдан абонементлар қайси китобларга реализация қилинишини вақтида билмай қоляпмиз.

Р. МАДГАЗИНА.

Макулатура топширганлик учун бериладиган китоблар тўғрисидаги эълон «Тошкент оқшоми»да бир неча кун илгари чиқарилса мақсадга мувофиқ бўларди.

И. КОТОВ,
уруш ветерани, политехника институти ўқитувчиси.

Макулатура топширишда иштирок этишни жуда истайман.

Аммо Фарҳод бозоридаги бизнинг 8-қабул пунктида абонементлар олиш учун рўйхатга ёзиш шанба кунлари амалга оширилади. Бу вақтда мен ишда бўламан, шанба кунлари ишлайдиганлар рўйхатга қай пайтда ёзиладилар!

И. СИДОРЕНКО,

Мана уч ойки 17-қабул пунктига қатнайман [24-квартал, 15-уй], аммо ҳамма вақт бир жавобни эшитаман, талонлар йўқ, қоғозларингизни келгуси йили топширасиз. Менда эса 80 килограммдан ортиқ қоғозлар йиғилиб қолди. Макулатура топшириш ва бунинг учун китоблар олишнинг янада қулай формасини ўйлаб кўришнинг вақти етмадимикан.

И БУРМИСТЕНКОВА,

Эски маркалар китоб олиш учун яроқли эмаслиги тўғрисида эълон ўқидим. Нега, ахир, эскисини янгисига алмаштириш мумкин эмас.

Г. БЕРЕЖАНСКАЯ.

А. ИСҲОҚОВ,
«Вторсирьё» шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси директори ўринбосари

— Сидоренко хатига жавобан шуни маълум қиламанки, СССР Госснаби инструкциясида макулатура топшириш ва абонементлар олиш учун илгаридан навбат рўйхатлари тузиш кўзда тутилмаган. Уларни реализация қилиш шанба ва якшанба кунлари одатдаги навбат бўйича амалга оширилади. Навбатга ёзиш бўйича илгаридан рўйхат тузиш ташаббусини эса макулатура топширувчиларнинг ўзлари илгари суришмоқда. «Вторсирьё» корхонаси бундай рўйхатлар билан шуғулланмайди.

Биз Бурмистенкова хатини ҳам кўриб чиқдик. Унда 17-қабул пункти ходими Султонова бир йўла 20 килограмм макулатура топширишни нотўғри талаб қилганлиги баён этилган. Абонементларни реализация қилиш бўйича инструкцияга хилоф иш тутилганлиги факти ҳам тасдиқланди. Бу масала қабул пунктлари мудирлари йиғилишида муҳокама этилди. Уларга бундай нуқсонларга йўл қўймаслик кўрсатиб ўтилди. 17-пункт қабул қилувчиси Султоновага вигговор берилди.

Қўшимча қилиб шуни айтаманки, барча макулатура топширувчиларнинг ҳуқуқлари бир хил бўлиши керак. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари бундан мустасно. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан белгиланган тартибга кўра улар макулатураларни навбатсиз топширишлари ҳамда ҳар бир қабул пунктида реализация қилинадиган абонементларнинг 20 процента миқдорида абонемент олиш ҳуқуқига эгалар. Ва ниҳоят Ж. Симононнинг «Признание Мэгре» китоби ва ундан кейинги барча адабиётлари янги тартибдаги талонларга берилади. Эски талонларга эса фақат илгари реализация қилинган китобларни сотиб олиш мумкин.



Газетхонлар хатларини шарҳлайдилар:
С. ЦИМБАЛЮК,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти ахборот бўлими бошлиғи.

— Ҳақиқатан ҳам «Вторсирьё» шаҳар ишлаб чиқариш тайёрлов корхонаси томонидан макулатура топшираётганлар учун ахборотлар жуда кеч берилиши туфайли бу ҳақдаги эълонлар жума кунлари газеталарда босиларди. Маълум бўлишича, бу макулатура топшираётганлар учун унчалик қулай эмас. Уларнинг бизга йўллаган кўплаб истаклари ҳисобга олиниб, ҳозир бу масала ҳал этилди. Макулатура топшираётганлар учун эълонлар бундан буён чоршанба ёки пайшанба кунлари газета саҳифаларида берилади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда

БЕРЛИН. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — шу беш йилликда ГДР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Микроэлектроника, автоматлаштирил г а н ишлаб чиқариш участкалари, энергияни тежаш технологиялари илғор ютуқларини практикага жорий этиш учун куч-ғайратни жамлаш, деди ГДР фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи министри Г. Вайц, республика ишчилари ва конструкторларининг новаторлик фаолиятида асосий йўналишдир.

Корхоналарда фан ва техникага оид ишлаб чиқилган планларда бу йил айниқса юксак натижаларга эришиш кўзда тутилади. Шуни айтиш кифояки, хом ашё ва материалларни сарфлаш салмоғини деярли 9 процент камайтириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади министр, республика олимлари, новаторлари ва ихтирочилари қимматли материаллар ва хом ашёнинг нобуд бўлишини янада қамайтириш, чиқиндисиз маҳсулот чиқарадиган технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида ишламоқдалар.

Пловдив шаҳридаги ёзув машинкалари заводининг коллективи Болгариянинг энг ёш коллективларидан бири. Ушбу корхона техниканинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган. Завод ишлаб чиқараётган электр ва қўл машинкаларига фақат республикадагина эмас, Совет Иттифоқида ҳам эҳтиёж катта.

СУРАТДА: «Хеброс—1300» машинкаларини йиғиш жараёни.

БТА—ТАСС фотоси.

Телефон орқали буюртма

БУДАПЕШТ. «Харидорларга хизмат кўрсатувчи Керавилл» бўлими эшитади... Ҳа, Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган кир ювиш машиналари бор. Бу машина бугун сиз учун қулай вақтда уйингизга етказиб берилади».

Мана, икки йилдирки, будапештликлар уйдан чиқмасдан телефон орқали буюртма асосида кўпгина молларни сотиб олишлари мумкин. Чунончи, электр техника саноати маҳсулотини реализация қилиш фирмасининг харидорларга хизмат кўрсатувчи «Керавилл» бўлими телефон рақами терилса бас, ё телевизор, ёки кир ювиш машинаси электр плитани хонадонга етказиб беради.

Бизнинг ишхонамизда телефон жиринглаши бир дақиқа ҳам тинмайди, деб ҳикоя қилади бўлим раҳбари Золтан Сойко. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг мана шу янги формаси билан атиги икки бригада шуғулланмоқда. Техника группаси харид қилинган молларни етказиб беришни ташкил этади, шунингдек фирманинг барча савдо корхоналари билан алоқа боғлаб туради. Савдо группаси савдо тармоқларида узоқ вақт фойдаланиладиган у ёки бу молларнинг бор-йўқлиги тўғрисида харидорга батафсил маълумот бериши мумкин ва шу молларни телефон орқали сотишни амалга оширади.

Савдо соҳасидаги венгер мутахассислари «Керавилл» телефон хизмати бўлимининг истиқболи порлоқ, деб ҳисобламоқдалар.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

ХАНОЙ. Вьетнам майда ва кустар саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган жун ва жуҳдан тайёрланган гиламлар, лак сураткашлиги асарлари, декоратив паннолар, зарғарлик ва тўқилган буюмлар, уй-рўзғор буюмлар мамлакатдагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам ғоят манзур бўлмоқда. Ўтган йилда тармоқ меҳнаткашларининг айниқса омади келди. Улар бултур 5,6 миллиард донглик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса шундан аввалги йилдагидан 35 процент кўпдир.

ВСР майда ва кустар саноатини жадал ривожлантириш ВКП V съезди қарорларида, беш йиллик план (1981-1985 йиллар) вазифаларида кўзда тутилган. Тармоқ меҳнаткашлари шу саноатнинг катта иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш, тармоқни социалистик жамият асосларини барпо этиш босқичида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айлантириш учун бутун куч-ғайратни сарфламоқдалар.

Автоматлаштириш программаси амалда

ПРАГА. Робот техникаси воситаларини жорий этиш —ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишидир. Бу ташаббус Словакиянинг Тренчин шаҳридаги станоксозлик заводида бошланди.

Тармоқдаги бу етакчи корхона рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ишлаб чиқармоқда. Бу станоклар жаҳондаги кўпгина мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига экспорт қилинмоқда.

Завод ишлаб чиқариш жараёнини янги изга кўчириш мақсадида ўзи учун ғалати бўлган «касби» —саноат роботларини тайёрлашни ўзлаштирди. Роботлар ғоят сермеҳнат ишларни бажарадиган бўлади. Бу эса қўплаб малакали ходимларни бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида ишлашга ўтказиш имконини беради.

Саноат манипуляторларидан кенг фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш программаси — Чехословакия бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Роботлардан фойдаланиш мамлакатда ишчи кучи тақчиллиги программасини ҳал этишни тезлаштиришга ёрдам беради.

ҲИНДИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги 100 мингдан кўпроқ камбағал оила шу 1982—83 молия йилининг апрель-декабрь ойлари мобайнида давлатдан ёрдам олди. Бу ёрдам мамлакатда қишлоқ районларини ривожлантириш комплекс программаси асосида амалга оширилмоқда. Оилаларнинг ярмидан кўпроғи Ҳиндистон жамиятининг социал-иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ қисмига мансубдир. Ерсиз деҳқонларга, батракларга, майда ҳунармандларга ҳам ёрдам берилди.

Бош министр Индира Ганди ҳукумати қабул қилган программа Ҳиндистон қишлоқларини тубдан ўзгартиришда, мамлакат аҳолисининг салкам 80 процентини ташкил этган қишлоқ аҳолисининг аҳволини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги уч йил ичида бу программага мувофиқ, ўн миллионлаб ҳиндларга ёрдам берилди. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани (1980 — 1985 йиллар) давомида давлат бу программанинг амалга оширилиши учун жами 60 миллиард рупия сарфлайди. 15 миллион оила имтиёзли шартларда қарз олади ва бунинг натижасида қашшоқликдан чиқишлари мумкин.

Бултур Ҳиндистоннинг аҳолиси энг кўп бўлган Уттар-Прадеш штатидаги қарийб уч минг қишлоқда электр линияси ўтказилди. «Бизнес стандард» газетасининг ҳабар қилишича, мамлакатда қишлоқ жойларини электрлаштириш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик плани доирасида қўшимча жами юз мингта қишлоқ электр билан таъминланади.

●

Бомбей яқинидаги саёз соҳилда мамлакатдаги энг йирик кемада Ҳиндистон учун рекорд даражада нефть қазиб чиқаришга эришилди. У ерда бир кечаю кундузда 320 минг баррелдан кўпроқ «қора олтин» қазиб олинди. 1982 йилда бу район мамлакатда қазиб чиқарилган қарийб 20 миллион тонна қимматли хом ашёнинг учдан икки қисмини берган эди. Бу ерда нефтнинг бой запаслари борлигини совет геологлари аниқлаган эдилар.

●

Ҳиндистон ҳукумати қабул қилган граждан авиациясини ривожлантириш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Стейсмен» газетасининг хабар қилишича, мазкур 1982—83 молия йилининг (бу йил апрелда бошланади) апрель-сентябрь ойлари мобайнида Деҳли, Бомбей, Калькутта ва Мадрасдаги мамлакатда энг йирик бўлган тўртта аэропорт реконструкция қилинганлиги ва янгиланганлиги туфайли улар ҳар куни 34,5 мингдан кўпроқ пассажирга хизмат кўрсатмоқда. Бу эса аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент кўпдир.

Ҳаво флоти —мамлакатга катта даромад келтираётган Ҳиндистон экономикаси давлат секторининг энг йирик тармоқларидан биридир. Бу флот ҳар йили қарийб саккиз миллион пассажир ташийди.

●

Ҳиндистон ҳукумати давлат радиоэшиттириш системасини такомиллаштиришга катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги вақтда Умумҳиндистон радио станцияларининг шоҳобчалари мамлакат аҳолисининг қарийб 90 процентини қамраб олган. Саводсизлар кўп бўлган бир шароитда радио Ҳиндистондаги ва чет элдардаги воқеалар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб туришда муҳим роль ўйнамоқда. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, яқин икки йил ичида турли штатларида умум-ҳиндистон радиосининг яна ўн битта станциясини очишга қарор қилинди.

●

Бихар штатининг Бирбхум шаҳри яқинида йирик кўмир кони очилди. «Таймс ОФ Индиа» газетасининг таъкидлаб ёзишича, бой «ер ости хазинаси» геология-разведка ишларининг кенг программасини амалга ошириш давомида аниқланди. Мамлакат экономикасининг асосий энергетика хом ашёси билан таъминланиши кўп жиҳатдан шу программанинг бажарилишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда Бихар, Андхра-Прадеш ва Мадхья-Прадеш штатларида кўмир конлари эўр бериб қидирилмоқда. Ҳинд шахтёрлари 1981—82 молия йилида 125 миллион тонна кўмир қазиб чиқардилар. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш VI беш йиллик плани тугалланадиган 1985 йилга бориб, ҳар йили қазиб олинадиган кўмир миқдорини 165 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади.

САВОДСИЗЛИК ТУГАТИЛМОҚДА

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия шимолидаги Эритрея вилоятида саводсизликни тугатиш курсларининг тингловчилари ва мактаб ўқувчилари учун янги таълим радиостанцияси махсус программаларни эшиттира бошлади.

Эфиопия меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш комиссияси марказий комитетининг аъзоси, шу комиссиянинг Эритреядаги вакили Даниит Волде-Гиоргис вилоятнинг маъмурий маркази Асмара шаҳрида гапириб, сепаратчи шайкаларнинг кўпорувчилик ҳаракатларига қарамай кейинги тўрт йил ичида революцион ҳукуматнинг куч-ғайрати туфайли вилоятда халқ маорифи системасини ривожлантириш ишида анчагина тараққиётга эришиш мумкин бўлди, деди. Ҳозирги вақтда Эритриянинг 294 мактабида 124 мингга яқин ўқувчи машғулотларда қатнашмоқда. Ҳар йили 20 минг ўқувчи биринчи марта парталарга ўтирмоқда.

• Пойтахтимиз меҳмонлари

КАНТЕМИРОВЧИЛАР САНЪАТИ

Шу кунларда Тошкент цирки мухлислар билан гавжум. Шимолий Осетия халқ артисти Ҳасанбек Кантемиров етакчилигидаги чавандозлар манежда кўрсатаётган томошалар пойтахтимиз цирк мухлисларига беҳад манзур бўляпти. «Кавказ манзаралари» деб номланган янги программадан чавандозлик санъати тарихидаги энг қалтис, энг ҳаяжонли ва нафис тамошалар ўрин олган.

РСФСР халқ артисти Алибек Кантемировнинг тўнғич ўғли Ҳасанбек биринчи марта цирк аренасига Гамбург шаҳрида чиққанди. Эгнида тоғликларнинг миллий кийими, бошида оқ папоқ, иштиёқ билан лезгинкага ўйнаб, от устида турли мураккаб машқлар ижро этди ва бир зумда ҳаммани ром қилди-қўйди. Бу воқеа 1928 йилда содир бўлган, ўшанда у эндигина тўрт ёшга кирган эди...

Ниҳоят, орадан тўрт йил ўтиб, Ивановодаги янги цирк биноси пештоқида афиша пайдо бўлди: «СССРнинг энг ёш чавандози Толя Кантемиров». Алибекнинг тўнғич ўғли Ҳасанбек Кантемировнинг циркдаги фаолияти шу тарика бошланди. Ниҳоятда тиришқоқ ва зеҳнли йигитча отасидан қунт билан маҳорат сирларини ўрганишга киришиб кетди. Аммо уруш туфайли унинг муваффақиятли бошланган ижодий биографиясида узилиш бўлди. Отаси ҳамма отларини ҳаракатдаги армия ихтиёрига топширгач, тўнғич ўғлини ҳам хатарли сафарга кузатиб қолди: Ҳасанбек 16 ёшида кўнгилли бўлиб фронтга жўнаб кетди. Қирувчи батальон жангчилари сафида фашист босқинчиларига қарши ҳаётмамот жангларида қатнашди. Кейинроқ Краснодардаги пулемётчилар ҳарбий билим юртини тугаллаб, командир-инспектор сифатида бир неча битирувчилар курсини тайёрлади. 1946 йилда армия сафидан тўғри циркка, отаси ёнига қайтиб келди. Укалари билан бирга 1970 йилгача «Алибек» труппасида ишлади.

«Икки бургутга битта уя торлик қилади», —деди отаси ўлимидан сал олдин укаси Ирбек икковини ёнига чақириб. —Ҳар бирингизнинг мустақил парвозингиз вақти келди...

Бу пайтга келиб машҳур чавандоз икки олий ўқув юрти— физкультура институти ва Бутуниттифоқ театр санъати институтининг театршунослик факультетларини битириб олишга улгурган, бўлажак труппа состави ҳам ўзидан маълум бўлиб қолган эди: хотини Марям, қизи Каджана, ўғиллари Толя ва Алик. У ўзининг янги мустақил программасини қадимги халқ чавандозлик анъаналарига қатъий амал қилган ҳолда тузишни орзу қиларди. Шимолий Осетияда Ҳасанбек Кантемиров оёғи етмаган бирон қишлоқ, у суҳбатлашмаган биронта от ўйинлари ишқибози қолмади, десак муболаға бўлмас.

Бугунги кунда пойтахтимиз циркида муваффақият билан намойиш этилаётган «Кавказ манзаралари» миниспектакли шу тарика вужудга келди. Спектаклнинг биринчи қисми шартли равишда «Эчки ва отлар» деб аталган. Кантемировлар бу қайсар қайвонларни ўргатиб бўлмайди деган фикр асоссиз эканлигини амалда исбот қилиб беришди. Мағрур ва салобатли Марям имоси билан шайтон эчкилар аренада ҳатто лезгинкага рақса тушишади, тоғ аравасига сақраб чиқиб, гир айланиб муқом қилишади.

Ҳасанбек Кантемировнинг қизи гўзал ва жасур Каджана отасининг ҳақиқий ўнг қўли. У саккиз ёшидан манежда, ўн уч ёшида чавандозлик мактабида барча мураккаб машқларни ўзлаштириб олган. У ўн йиллик таълимни Иттифоқнинг 64 та ўрта мактабида ўқиб олтин медалга тамомлаган. Бутуниттифоқ театр санъати институти режиссёрлик факультетини аъло баҳолар билан битирган. Ажойиб чавандоз, раққоса ва рассом. Ҳасанбекнинг икки ўғли: Анатолий билан Аликлар ҳақиқий чавандоз йигитлар. Қиличбозлик, нишонга аниқ отиш, от устида турли мураккаб машқлар ижро этишда улар отасидан қолишмайди. Иккови ҳам кавалерияча, битта полкда хизмат қилишган.

Труппанинг бугунги кундаги ютуқларида шубҳасиз Шимолий Осетия халқ артисти Ҳасанбек Кантемировнинг улкан ҳиссаси бор. Унинг иштирокидаги томошаларга тушган ҳамшаҳарларимиз 60 ёшга кирса ҳам эгарда 17 ёшли йигитдек шахдам ва тик қад кериб ўтирганини кўриб ҳайратланмай иложи йўқ.

— Болаларни жуда севаман, —дейди у. —Уларнинг бахтига она ер тинч, осмон беғубор бўлсин...

— Отасидан ўзиб кетмаган ўғил ўғил эмас,— деган эди сулола асосчиси Алибек Кантемиров бир пайтлар. Ўзи изланмаган ўғил отасининг соясига айланади ва қуриб қолади...

Отаси ўгитига амал қилиб, изланиш ва машаққатлардан чўчимаслик туфайли Кантемировчилар ўз санъатини яратдилар, сулола анъаналарини бойитдилар. Ана шу изланишлар туфайли Кантемировчилар санъати бугунги кунда мингминглаб томошабинлар олқишига сазовор бўляпти.

М. ЮСУПОВ.

СУРАТДА: Кантемировчилар манежда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

ЯНГИ ЭКСПЕРИМЕНТ

Донецк политехника институтининг олимлари ишлаб чиққан уруғликни экишдан олдин хўллашда ишлатиладиган сув тайёрлаш янги методи содда ва пухтадир. Улар сувдаги эриган газларни центрифуга ёрдамида чиқариб ташлашни таклиф этдилар.

Маълумки, гази қочирилган сув ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун яхши бир омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирга қадар шу «оби ҳаёт» ҳар бир кишига таниш усул — қайнатиш орқали ҳосил қилинарди. Аммо қайнатиш сувнинг изотоп таркибини ўзгартиради, энг муҳими эса бунинг учун кўп энергия сарф бўлади. Центрифугадан фойдаланиш шу харажатларни кўп марта камайтиради. Бундан ташқари, тез айлантиришда сувдаги газларгина эмас, шу билан бирга муаллақ аралашмалар ҳам тез чиқиб кетади, қайнатишда эса бу аралашмалардан қутилиб бўлмасди.

Донецк қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг мутахассислари ўтказган эксперимент шу янгликни амалда синаб кўришга имкон берди. Уруғлигига олимларнинг рецепти билан «оби ҳаёт» сепилган маҳаллий селекциядаги арпанинг ҳосилдорлиги одатдаги арпага нисбатан 10 процент кўп бўлди.

ПУЛ ЙЎЛДА «ЁТГАНДИ»

Шаҳарнинг янги кўчаларига асфальт ётқизаётган минсклик бинокорлар оз бўлмаса том маънода кўчадан 82 минг сўм топиб олдилар. Йўл қуришда қуюв цехларида ишлатилиб бўлган қолип қоришмасидан фойдаланишнинг ўтган йилги иқтисодий самараси айни шунча бўлди. Белоруссия политехника институтининг олимлари ана шу оригинал ғояни таклиф қилдилар.

Ҳар йили республикада қолип қоришмаси ёки махсус органик бирикма аралаштирилган кварц қумнинг салкам 700 минг тоннаси ахлатхонага чиқариб ташланиб туради! Мутахассис бўлмаган кишига ана шу қорақумни қоп-қора асфальт бетон аралашмасига қўшиб юборса бўлаверадигандек туюлади. Лекин битта нозик томони бор: битумнинг химиявий активлигини таъминлайдиган модда қолип қоришмаси сингари манфий электр зарядига эгадир, бинобарин керакли даражада ёпишиб кетмайди.

Бу гап шу қадар равшан кўринардики, назарияни ҳатто амалда текшириб кўришга ҳам уринишмаган. Аммо минскликлар махсус экспериментлар ўтказиб кўришганида қум заррасининг умумий заряди манфий бўлиб унинг юзидаги юпқа органик пленка мусбат зарядланган экан. Демак, асфальт таркибидаги моддалардан бири—даломит толқони ўрнига туйилган қолип қуми олинса асфальтнинг сифати ёмонлашмаслиги керак. Тажриба ўтказганларнинг тахминлари тасдиқланди.

Политехникларнинг бу ечимлари қурувчилар учунгина эмас, қишлоқ хўжалиги учун ҳам наф келтирди.

(ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

«ҚУЛАЁТГАН» МИНОРА

Мосулда «қулаётган» машҳур Аль-Ходба минораси сақлаб қолинди. Тарихий ва қадимий ёдгорликларни тиклаш бўйича Давлат департаменти мутахассислари бу иш учун уч йилдан ортиқ вақтларини сарф этишди. Улар қачонки, минорани тиклаш юзасидан тавсия этилган чет эл лойиҳалари бекор қилингач, ишга киришдилар. Чункй, юқоридаги лойиҳалар бўйича иш олиб борилганда бу буюк тарихий ёдгорликнинг архитектура қиёфаси бирмунча ўзгарган бўлур эди», деб ёзган эди бу ҳақда «Боғдод обсервер» газетаси.

Олимлар миноранинг қулаши ҳақида бундан 40 йил илгари сўз бошлаган эдилар. Улар агар ўз вақтида тадбирий чоралар кўрилмаса, бу 800 йиллик Аль-Ходба минораси ер билан яксон бўлиши ҳақида маъмурларни огоҳлантиришганди. Бироқ Давлат департаменти минорани кўздан кечириш учун бир группа экспертларни таклиф этгандан кейингина 70 йилларнинг бошларида минорани тиклаш учун биринчи қадам қўйилди. Реставраторлар олдида ҳажми жиҳатидан катта миқдорда харажат талаб этадиган оғир иш турарди. Шунинг учун ҳам реставрация ишлари кейинроқ 1979 йилда минорани тиклаш учун Ироқ ҳукуматининг зарур миқдорда маблағ ажратганлиги ҳақидаги қарори эълон қилингандан сўнг бошланди. Оғир ва машаққатли ишлар эвазига ёдгорлик қайта тикланди.

Қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Давлат департаментининг директори доктор У. Саиднинг фикрича, яқин юз йил ичида бу ноёб ёдгорликка энди ҳеч қандай офат ҳам хавф сололмайдиган бўлди. Тиклаш ишлари муваффақиятли якунланишида айниқса, Мосул аҳолисининг хизмати катта бўлди.

Минорани шимолий-шарқий томон оғишида экспертлар бир қанча тахминларни айтишди. Жумладан, доктор У. Саид бу районда доимий равишда қаттиқ шамоллар бўлиб туриши ҳам минора оғишига таъсир кўрсатганлигини айтди. Аль-Ходбанинг муқаддас ҳисобловчи дин арбоблари эса бу борада мутлақо ўзгача фикрдалар. Улар миноранинг оғиши сабаби мусулмонларнинг ҳар куни беш ракат намоз ўқишни унутиб қўяётганларида деб ўйлашмоқда.

ЛИГНИТДАН БЕНЗИН

Болгариянинг «Марица-Восток» энергетика комбинатида маҳаллий запаслардан унумли фойдаланиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, паст калорияли тош кўмир—лигнитдан бензин тайёрлаш йўлидаги изланиш ана шулар жумласидандир. Бу тадқиқот ишлари 1979 йилда совет ва болгар мутахассислари СССРда ҳамкорликда Болгариянинг 500 тонна лигнитидан қанча миқдорда бензин, мазут, фенол, боғлашган. Улар мунтазам ратажриба ўтказганларидан сўнг бошланди.

Агар изланишлар самарали якунланса, комбинатда бир йилда 1,6 миллион тонна лигнитни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган жиҳозлар ўрнатилади. Ана шунча лигнитдан эса 125 тонна бензин ва мазут, 125 миллион куб метр газ ва деярли 400 минг тонна кокс маҳсулотлари тайёрланади.

СОЛДАТЛАР ҚЎШИҚ АЙТГАНДА

Монголия халқ армияси қўшиқ ва рақс ансамблининг ташкил топганига 50 йил тўлди. Дастлаб бир нечта қўшиқчи ва музикачилардан ташкил топган бу группа ҳарбий аудиторияларда кичик концертлар бериш билан ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда бу талантли коллектив составида 150 киши бор. Монголия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, подполковник П. Хаянхярв ансамблнинг бадиий раҳбари ва дирижёридир. Ансамбль репертуаридан Монголия ва Совет авторларининг машҳур асарларидан рус тилида куйланадиган А. Холминовнинг «Ленин ҳақида қўшиқ», «Халқ армияси» каби жанговар қўшиқлар ана шулар жумласидандир.

Монголиялик артистлар Александр номли Қизил байроқ орденли Совет Армияси қўшиқ ва рақс ансамбли қатнашчилари билан мустаҳкам дўстона алоқа боғлашган. Улар мунтазам равишда бир-бирлари билан музикали асарлар алмашиб турадилар, тез-тез меҳмонда бўлишади. Ансамбль составида рус халқ асбоблари оркестри ҳам мавжуд.

Ансамбль ўзининг 50 йиллигига атаб янги программа тайёрлади. Унга «Халхин—гол», «Яратувчилар», «Солдат хори» каби машҳур қўшиқлар ва монгол-совет композиторларининг машҳур асарлари киритилган.

Ҳарбий қисмларда, завод-фабрикаларда, қурилиш ва қишлоқ клубларида ҳамда маданият уйларида берилган концертлар коллективга катта шон-шуҳрат келтирмоқда. Ансамбль Совет Иттифоқи, Германия Демократик республикаси, Польша, Чехословакия, Руминияда бўлиб ўтган гастролларида катта шуҳрат қозонди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8, 9, 10 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА
Андижон область давлат филармониясининг лирик хонандаси
Ҳалимжон ЖЎРАЕВ
ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

БАҲОР ЭШИК ҚОҚЯПТИ

Баҳорда қиш бўйи жонга теккан иссиқ кийимни ечиб ташлаб, енгил, ёрқин ва хушбичим қўйлак кийингиз келади. Лекин бу кўйлак ҳар қанча чиройли ва хушбичим бўлмасин, баланд пошнали нафис туфли киймасангиз, кўринишингиз кўнгилдагидек бўлмайди.

2-пойафзал фабрикаси ёш қизларга ва ўрта яшар аёлларга айнан шундай чиройли туфли таклиф этади.

Туфли чармдан тикилган, унинг тагига полистирол, баланд пошнасига чарм қопланган.

Туфлининг баҳоси —35 сўм.

Уни Тошкентдаги ҳар қандай пойафзал магазинидан сотиб олиш мумкин.

ТОШКЕНТДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА МК-44» ҲИСОБЛАЙДИ

МИКРОКАЛЬКУЛЯТОР тўрт арифметик амални, квадрат, илдиз чиқаришни, ҳар қандай бутун мусбат даражага кўтаришни хотира регистрлари ёрдамида ҳисоблаш жараёнини; константа, процент, қолдиқ, қўшимча, тескари қатталиклар билан ҳисоблашни бажаради.

Хотиранинг уч регистри битта регистрда оралиқ йиғинди билан ҳисобларни бажаришни таъминлайди.

Микрокалькуляторда вергулдан кейин 2 дан 4 та белгигача аниқлик билан ҳисоблаш натижаларини олиш назарда тутилган.

Микрокалькулятор 220 в кучланишли ўзгарувчан ток манбаидан озиқланади.
Габарити: 241x183x77 мм.
Баҳоси — 120 сўм.

«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

БУГУН «ЭКРАН»ДА...

СЛАЙДЛАРДАН ЕКИ ЎЗИНГИЗ ЕҚТИРГАН ДИАФИЛЬМЛАРДАН ПРОГРАММА ТУЗИБ, УНИ «ЭКРАН» ЕКИ «СПУТНИК» ДИАПРОЕКТОРЛАРИ ЁРДАМИДА ТОМОША ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу оддий, ишончли диапроекторларнинг афзаллиги уларнинг: кўпқиррали иш бажариши (50x50 мм. диапозитивлар, кадрнинг формати 24x36 ва 18x24 мм. бўлган диафильмлар);
Ихчамлиги (конструкциясининг йиғма эканлиги)дир.
«ЭКРАН»нинг баҳоси — 25 сўм, «СПУТНИК»нинг баҳоси — 30 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-САВДО ТАШКИЛОТИ

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
155-ШАҲАР ТЕМИРЙЎЛ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
тепловоз машинистни ёрдамчиси, тепловоз машинисти, рефрижераторли поездлар механиги ихтисослари бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил, бир ярим йил, икки йил.
Ўқишга Совет Армияси сафидан бўшатилганлар ҳам қабул қилинади. Ўқувчиларга 72 сўм миқдорида стипендия тўланади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, ўрта маълумоти ҳақида аттестат, паспорт (ҳарбий билет), турар жойидан справка, 6 та фотосурат.
Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.
Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати), телефон: 91-14-07.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Вентиляция ва ҳавони мўътадиллаш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар.
Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 дан 40 ёшгача бўлган кишилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.
Курсларга қабул қилинганларга ойига 76 сўмдан стипендия тўланади. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.
Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.
Курсларни битирган кишилар «Промвентиляция» трестининг ташкилотларига ишга юборилдилар.
Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида, 3 та фотосурат (3x4 см.).
Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.
Ушбу адресга мурожаат этилсин: 700047, Тошкент, шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/II да Жизель.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 4/II да Бой ила хизматчи.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/II да Қиёфалар ёки занжир.

КИНО

4 ФЕВРАЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«33 ВАХТСИЗЛИК» — Санъат саройи (19.45, телефон 44-21-74).
«АНГАР-18» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Нунус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Ватан (жуфт соатларда); Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).
«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).
«КРОССВОРД МУХЛИСЛАРИ УЧУН» — Қозоғистон (жуфт соатларда), Ғ. Ғулом номли (17, 20.00, телефон 48-42-80).
«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Дружба (жуфт соатларда).
«ДОВУЛ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).
«МУҲАББАТ ЕЗИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 19.45).
«ҲАММАСИ АКСИНЧА»—Фестиваль (тоқ соатларда).
«ЮПҚА МУЗ УЗРА» С. Раҳимов номли (18, 20.30, телефон 48-46-71).

5 ФЕВРАЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«33 БАХТСИЗЛИК» — Санъат саройи (11, 13.45, 16.30, 19.45, телефон 44-2-74).
«АНГАР» — 18» —Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Нунус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Ватан (жуфт соатларда); Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Москва (тоқ соатларда телефон 33-05-01).
«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).
«КРОССВОРД МУХЛИСЛАРИ УЧУН» — Дружба (жуфт соатларда).
«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — Дружба (жуфт соатларда).
«СЕВСАНГ СЕВАВЕР, АММО АҚЛИНГНИ ИЎҚОТМА» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).
«УЧАР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — Лисунов номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

Октябрь революцияси орденли Ўрта Осиё темир йўлининг
ТОШКЕНТ БЎЛИМИ
тепловоз машинистларининг ёрдамчиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стипендия — 90 сўм.
Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.
Қабул қилинганлар темир йўл ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 7-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар: 99-73-03, 99-73-59, 99-72-68, 99-74-70.

Тошкент темир йўл техникуми томонидан Атамуратов Куатбой Адилович номига берилган 846778 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Главташкентстрой транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг
2-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ
«С» категориясидаги 3 класс ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
5,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Стипендия —45 сўм.
Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, З. Шамсуддинова кўчаси, 23«а»-уй (12-автобусда «Горгаз» бекатигача борилади).

ТВ

4 ФЕВРАЛЬ—ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Жаҳон халқларининг ижоди. Руминия халқ санъати. 20.00 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. ГФР. Дан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)—«Спартак». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —(23.00) «Агар соғлом бўлай десанг». 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45«Афсонавий Клим». Ҳужжатли фильм. 19.05 Я. Фрейддин. «Антик дафтар». Қадимий Греция шоирларининг шеърларига овоз, флейта ва фортепьяно ижроси учун ёзилган вокал туркум. Одессадан олиб кўрсатилади. 19.30 «Саёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, ничкинтойлар». 20.45 «Инсон. Ер. Коинот». 21.30 «Время». 22.00 «Графиня де Монсаро». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. «Меридор папоротниклари». 7-серия — «Тузоқ».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари
I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Женя лақабли мушукча ва кўча ҳаракати қоидаси ҳақида». Мультфильм. 18.20 «Ўсмир ва қонун». 18.55 «Халққа кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳужжатли кино экрани». 20.30 «Ахборот». 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Сиёвуш қиссаси». Бадиий фильм. 1-серия.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.30 Телевизион театр. Ф. Дюренматт. «Авария» (такрорий). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Учрашувлар мамлакат ва қитъаларни яқинлаштиради» (рус.). 20.50 «Олимпиада характери». «Умрбод денгиз билан». Телевизион ҳужжатли фильмлар.

5 ФЕВРАЛЬ —ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Спортлото»нинг 6-тиражи. 9.50 «АВВГДейка». 10.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 В. А. Жуковский. Шоир туғилган кунинг 200 йиллигига. 11.50 Шимол халқларининг кўшиқларини Кола Вельд ижро этади. 12.20 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми С. Д. Меркуров. 12.55 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. ГФРдан олиб кўрсатилади. 14.00 «Ҳаётга йўлланма». 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Етти гўзал». Фильм-балет премьераси. ҚораҚораев музикаси. 16.40 Мультфильмлар. 17.25 «Ворислар». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси.

18.15 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.45 «Хайвонот оламида». 19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.15 Экранда —кинокомедия. «Мўйловли энага». 21.30 «Время». 22.05 «Қувноқ болалар». 23.15 Ҳужжатли фильмлар. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 «Взиб дараси». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.45 «Қадрдон уй». Телевизион бадиий фильм. 11.00 «Тонгги поўта» музикали кўрсатуви. 11.30 ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 13.20 «Ливан ўт ичида». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.25 «Музикали киоск». 14.55 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 1-гвардиячи Қизил Байроқли Танкчилар армияси ветеранларининг учрашуви. 16.00 «Мангулиққа айланган лаҳзалар». Фотосурат устаси Н. Н. Рахманов ҳақида телевизион очерк. 16.40 «Голубой огонёк». 20.15 «Халқаро обзор». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, ничкинтойлар. 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Оқибат». Бадиий фильм. («Мосфильм»).

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар». 11.15 «Шахмат мактаби». 11.45 Болалар учун концерт. 12.15 «Иссиқ қор». Бадиий фильм. 13.55 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 14.25 «Тақдирлар чорраҳасида». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 14.45 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.25 «Россия сен билан». Видеофильм. (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Сиёвуш қиссаси». Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») -орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

4 ФЕВРАЛЬ, 1983 й. Р— 07062. Газета Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.